

## ПЕДАГОГИК НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ - КАСБИЙ ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Дилмурод Абдуғани ўғли Абдусамиев  
abdusamiyev1993@bk.ru

Шерали Абдувалиевич Жалолов  
НамДУ

**Аннотация:** Мақолада ўқитувчининг педагогик фаолиятида учрайдиган низолар, уларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, уларни ҳал қилиш турлари ва тартиби келтирилган. Бундан ташқари педагогик низоларнинг педагогик-психологик хусусиятларини, шу орқали касбий деформацияни ҳам олдини олиш йўллари ҳақида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** зиддият, низо, маъмурий низи, педагогик низо, оптимоллаштириш, глобаллашув, мотивацион низо, ахлоқий низо.

## ELIMINATION OF PEDAGOGICAL CONFLICTS AS A METHOD FOR PREVENTING PROFESSIONAL DEFORMATION

Dilmurod Abdughani oglu Abdusamiev  
abdusamiyev1993@bk.ru  
Sherali Abduvaliyevich Jalolov  
NamSU

**Abstract:** The article describes the conflicts that occur in the pedagogical activity of the teacher, their types, causes, and procedures for resolving them. In addition, there are ideas about the pedagogical and psychological features of pedagogical conflicts, and thus ways to prevent professional deformation.

**Keywords:** conflict, administrative conflict, pedagogical conflict, optimization, globalization, motivational conflict, moral conflict.

Бугунги кунда ҳар соҳада ривожланишлар, янгиланишлар, ўзгаришлар ва технологиялаштириш жараёнлари билан бир қаторда таълим тизимида ҳам янги технологиялардан, интернет ресурсларидан фойдаланиш тобора ортиб бормокда. Ҳозирги даврда ўқувчилар турли манбаалар орқали мустақил билим олишлари ва ўрганишлари мумкин. Ота-онаси ёки репититор томонидан оз бўлсада билимга эга бўлиш имкониятига эга. Фанни ўқитувчилик яхши билмасда, бир қисмини ўрганиб, ана шу мавзу бўйича бўйича ўқитувчи бераётган билимни таққослаштиради. Агар ўқитувчи саёз билим берса ёки хато

маълумот берса буни сезган ўқувчида ўқитувчига нисбатан ҳурмат йўқолади. Буни албатта ёнидаги синфдошларига айтиб мақтанади. Бу эса умумий ҳолда дарсга қулоқ солмаслик ва фанни ҳурмат қисмаслик, охир оқибат фанни ўзлаштириш истагининг йўқолишига олиб келади. Натижа, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида турли кўринишдаги низолар келиб чиқади. Бундай ҳолатнинг тез тез такрорланиши ўқитувчининг ўз касбига бўлган муносабати ҳам сўнади ва ўқитувчида касбий деформация ҳолати кузатилади. Шунинг учун, педагогик-психологик тадқиқотларда педагогик фаолиятдаги низоларни олдини олиш, уларни бартараф этиш долзарб муаммолига қолмоқда.

Педагогнинг мутахассис сифатида салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашини ифодалайди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг етакчиси сифатида таълим муассасаларида ўзининг ижодий вазифаларини тўлиқ бажаришни таъминлаши ва педагогик йўналтирилганлигини шакллантириши керак. Педагогик жараёндаги муҳим ҳодисалардан бири – низо саналади.

Низо – қарама-қарши, би-бирига тўғри келмайдиган кучлар тўқнашуви, икки ёки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишувнинг йўқлиги, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддият[1.46].

Педагогик низо бу – ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналар , ҳамкасблар ва раҳбарият ўртасида педагогик жараёнда юзага келган манфаатлар тўқнашуви, ўзаро қарама-қаршилик, тортишув ва можародир.

Ўқитувчи ҳар томонлама тарбияланган, ақлий, ахлоқий, маънавий жиҳатдан етук, билим доираси кенг, нутқи равон, педагогик билим маҳорат эгаси бўлиши лозим. Ўқитувчининг педагогик билим маҳорати асосан синф, аудитория машғулотларида яққол кўринади. Ўқитувчи билан ўқувчи, ўқувчилар ўртасида ўзаро жонли тил, фикрлар олишуви, самимий муносабат, ҳурмат-иззат, асосий мақсадга эришиши учун ҳамкорликда ишлаши лозим.

Педагогик низолар ўқитувчи фаолитида касбий деформацияни пайдо бўлишига туртки беради. Низолар мунтазам ижобий ўз ечимини топмаса ўқитувчининг шахсиятида стресслар, руҳий таранглик, ҳиссий куйиш синдромини келтириб чиқариши мумкин.

Педагогик низо бир қатор белгиларга эга. Унга хос бўлган асосий белгилар қуйидагилардир:

- Инқироз;
- Англашилмовчилик;
- Кутилмаган ҳодиса;
- Зўриқиш;
- Ноқулайлик;

- Ички ва ташқи хавотир;
- Бартараф этиш қийин бўлган кўрқув.

Педагогик низоларни келтириб чиқарувчи омиллар қуйидагилар:

- Ахборот омили;
- Муносабат омили;
- Хулқ-атвор омили.

Чехпедагоги Я.А.Коменский “ўқитувчилик касбини ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқориқ даражада турадиган фахрли касб ҳисобланади” дея тарифлайди. А.Навоийнинг фикрича “...гоҳида бир киши битта болага тарбия беришга ожизлик қилади. Муаллим эса, бир гуруҳ болаларга илму-адаб ўргатади” деб ўз асарларида келтиради. Бу жараёнда муаллим кўп азият чекади, машаққатларни ўз бошидан кечиради. Шу боис шогирдлар устоз олдида умрбод қарздор эканликларини ҳис этишлари даркор.

Педагогик низо психологик нуқтаи-назардан олиб қараганда педагогика ва психология фанлари бир-бирига узвий боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккиси битта умумий жараёни – инсонни психик фаолияти ҳамда хулқ-атворини тадқиқ этади. Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларини йўлга сола олиши, болалар жамоасида педагогик-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир. Шахс шаклланишида у яшаётган муҳит, жамиятнинг роли жуда каттадир.

Педагогик низоларнинг асосий турлари:

- Ички шахсий низо;
- Мотивацион низо. Амалга оширилмаган фаолият низоси.
- Ахлоқий низо. Шахслараро ва гуруҳлараро низолар.

Давомийлигига кўра, педагогик низолар бир нечта турларга бўлинади.

Уларнинг асосий турлари қуйидагилардир:

- Қисқа муддатда яқун топадиган низолар;
- Кучсиз, суст кечадиган низолар;
- Узоқ муддат давом этадиган низолар;
- Кучли, тез кечадиган низолар.

Низоларнинг келиб чиқиш сабабларидан яна бир омили бу яшаш шароитининг яхши эмаслиги. Агар ўқитувчи стресс ҳолатида бўлса ўқувчига нисбатан адолатсиз хатти-ҳаракат қилиши, ўзи билмаган ҳолда юқоридаги хатоларга йўл қўйиши мумкин. Ўқувчида ёмон турмуш тарзи бўлса нафақат ўқитувчи балки ён атрофдаги ҳамма билан зиддиятли ҳолат ва оғир психологик жараён ҳолати юзага келиши мумкин.

Ахлоқий низо – ахлоқ ижтимоий онг шаклларида биридир, у муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши, шахсларнинг бир-бирига, жамиятга,

халқ мулкига, оилага, ишлаб чиқариш воситаларига, муайян тартибга солинадиган хатти-ҳаракатлар тизимида кўришимиз мумкин.

Педагогик низолар, зиддиятлар, тўқнашув, қарама-қаршилик, можароларни ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида юзага келмаслиги учун ўқитувчи зиддиятларни олдини ола билиши лозимдир. Замонавий тарзда низоларни бошқаришимиз, зиддиятли муносабатларни тўғри ечимини топишимиз керак.

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор усуллардан фойдаланилади.

Улар орасида энг самарали йўллар қуйидагилар саналади:

- Низонинг таъсир доирасини кенгайтмаслик.
- Қулай ечимларни таклиф қилиш.
- Ман этилган усулларни қўлламамаслик, фойдаланмаслик.
- Шикоятлар сонини қисқартириш.
- Иккинчи даражали масалаларни ҳам узвий равишда ҳал қилиб бориш.
- Низога киришган субъектлар шахсини камситатидан сўзлардан фойдаланмаслик.

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор усуллар ҳам қўлланилади. Улар орасида энг самарали усуллардан қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин: Педагогик жараёндаги муҳим ҳодисалардан бири низо бўлиб, улар юзага келган вазиятларда ижтимоий муносабатлардаги яққаҳоқимликка йўл қўйиб бўлмайди. Одатда *педагогик низолар* икки усул[4.98]:

- Педагогик усул
- Маъмурий усул билан ҳал қилиш турларига бўлинади.

Ўқитувчининг имиджи атрофдагиларга унинг шахси тўғрисида “маълумот” бериш билан бирга ўқувчиларга самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли ўқитувчининг имиджида соддалик, тартиблилик, бежиримлик акс этиши керак.

Низони ҳал қилишнинг педагогик усуллари:

- Сухбат.
- Илтимос қилиш.
- Ишонтириш.
- Низога киришувчиларга қўйилган талаблар ва иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари нотўғрилигини тушунтириш.

Низони ҳал қилишнинг маъмурий усуллари:

- Низога киришувчилар манфаатларини куч билан бостириш;
- Уларни бошқа ишга ўтказиш;
- Низо қатнашчиларини турли кўринишларда ўзаро ажратиш;
- Ахлоқ комиссиясининг қарори;

- Раҳбар буйруғи;
- Суд қарори.

Ўқитувчи педагогик низо иштирокчиларига педагогик, психологик, педагогик ёрдам кўрсата олиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Педагогик низо субъектларига кўрсатиладиган педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш турлари:

- Маслаҳат бериш;
- Ахборотли ёрдам кўрсатиш;
- Ташхислаш;
- Амалий тренинглари уюштириш;

Хулоса қилиб, ўқитувчининг педагогик фаолиятида юзага келадиган низоларни педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиб, таҳлил қилиш, уларни ҳар томонлама йўлларини топиш ва амалиётда қўллаш орқали низоларни бартараф этиш касбий деформацияларни келиб чиқишини олдини олишга ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. М.Ахмедова “Педагогик конфликтология” Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 2-февралдаги 32-сонли буйруғига асосан 5110900 - Педагогика ва психология таълим йўналишининг талабалари (уқувчилари) учун уқув кулланма сифатида тасдиқланган. (Гувоҳнома № 32-004)

2. М.Т.Ахмедова, Н.С.Шайзакова Низоларнинг юзага келишидаги шарт шaroитлар, шахс тоифалари ва уларнинг хислатлари. Мактаб ва ҳаёт.-Т.: 2014.2-сон. -Б. 2-4.

3. С.В.Банькина Педагогическая конфликтология: состояние, проблемы исследования и перспективы развития.

4. В.И.Грачева Введение в педагогическую конфликтологию: Учебное пособие / В.И. Грачева. М. Моск. ун-т МВД России, 2004. - 98 с.

### **References**

1. M.Ahmedova "Pedagogical Conflictology" approved by the order of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan dated February 2, 2015 No 32 5110900 - Pedagogy and Psychology as a textbook for students (swimmers). (Guvoxdoma № 32-004)

2. M.T.Akhmedova, NS Shayzakova Conditions for the emergence of conflicts, categories of persons and their characteristics. School and life.-T. : Issue 2014.2. -B. 2-4.

3. S.V.Banykina Pedagogical conflictology: state, research problems and development prospects.

4. V.I.Gracheva Introduction to pedagogical conflict management: textbook / V.I.Gracheva. Gracheva. M. Mosk. University of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004. - 98 p.